

Исломда аёлларнинг улов, бугунги кунда эса - машина, минишлари

14:59 / 26.04.2016 9916

Исломда аёлларнинг улов, бугунги кунда эса – машина, минишлари ҳақида қандай кўрсатмалар бор?

Аёлларнинг улов минишлари тўғрисида демак аёллик латофатига хос, ўша муслима аёлларнинг ҳурмати сақлайдиган ҳолатларда бўлишлиги бор нарса. Аёллар қадимда ҳам улов минганлар, туяларга минадиган бўлса, "хавдаж" деб аталган махсус мослама бўлган. У каттароқ бир саватга ўхшаган тахтиравонга ўхшаган нарсалар бўлиб, аёллар уни ичига кириб ўтирганида эркаклар кўтариб олиб туяни устига қўйиб қўйганлар. Ана шундай ҳолатларда демак маркаб минилганлиги, бошқа от ёки шунга ўхшаган уловларни минганлари ҳам бор. Бугунги кунда машина ҳақида кўп тортишувлар бор, минса бўлади деганлар ҳам бор, бўлмайдиган деганлар ҳам бор аёлларни. Жумладан баъзи-бирлар Расулуллоҳ с.а.в. эгарни устига минган аёлларга фалон бўлсин ланат бўлсин деган ҳадислари бор экан буни қандай тушунамиз деган гапларни ҳам шу масалага рўпара қилишга ҳаракат қилишлари бор. Машина тўғрисида ҳозирги кунда ислом оламида уламолар иттифоқ бўлганлари йўқ. Ҳар юртнинг уламолари ўзининг шароитидан келиб чиқиб бу нарсага эътибор бериб ҳа ёки йўқ дейишмоқда. Мисол учун Саудия Арабистонида "аёлларга машина миниш таъқиқланган, мумкин эмас" қонундан ташқари ҳисобланади. Бунга ана шу ман қилиш тўғрисидаги ҳумни чиқарган кишиларнинг берган шарҳлари шуки аёллар эҳтиромда бўлишлари керак. Аёлларнинг ҳизматини эрлари, ўғиллари маҳрамлари қилиш керак. Аёл кишилар машина миниб ўзларини қийнашларига ҳожат йўқ. Ундан сўнг йўлда машинани бузилиб қолиши мумкин, турли ҳолатлар бўлиши мумкин. Баъзи-бир ўзини билмаган беодоблар машина ҳайдаб кетаётган аёл, қизларга тегажолик қилиш мумкин, каби узрларни, ҳужжат қилиб, далил қилиб айтишган. Баъзи-бир мусулмон юртларда ҳожат учун, шаръий қоидаларга хилоф бўлмаса минсалар жоиз деган фатво чиқарганлар ҳам бор. Баъзи юртларда умуман бу масалани масала қилиб кўтарилмаётган ҳолатлари ҳам бор.